

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“Пул, кредит ва банклар” фанидан

КУРС ИШИ

**Мавзу: “Халқаро Валюта Фонди: юзага келиш
сабаблари, мақсади ва вазифалари”**

**Бажарди: ББИ-92 гуруҳ
талабаси Саитдинов Ф.**

Илмий раҳбар: Худоёрова Х.

ТОШКЕНТ – 2013

Режа:

Кириш

- 1. Халқаро Валюта Фондининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари.**
- 2. ХВФнинг асосий мақсади ва операциялари таҳлили.**
- 3. Ўзбекистон ва ХВФ муносабати ва уларни ривожлантириш йўллари.**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Жаҳон иқтисодиёти ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилган бир шароитда ҳеч бир алоҳида давлат ўз ривожланиш истиқболларини танҳоликка таянган ҳолда белгилай олмайди. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг хусусиятлари ва уларнинг самарадорлиги миллий иқтисодиёт барқарорлигини ҳамда унинг ривожланиш ҳаракатини аниқлаб беради. Бинобарин, замонавий мамлакатлар Халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга катта эътибор бермоқдалар. Давлатлараро ҳар томонлама ҳамкорликнинг бир кўриниши сифатида халқаро ташкилотлар ва фондлар юзага чиқмоқда. Улар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда умумий тусдаги мақсадларга эришиш учун давлатлар, миллий институтлар, нодавлат ассоциацияларини бирлаштиради. Халқаро ташкилотлар ўз фаолиятини ҳар томонлама мувофиқлаштириш учун ўз фондларини ташкил этадилар.

Давлатлараро келишувлар асосида иштирокчи давлатларнинг ягона молия ва кредит сиёсатларини амалга ошириш учун пул маблағларининг давлатлараро мақсадли фондлари тузилади. Давлатлараро фондлар (ташкилотлар) даромадларини шакллантириш усуллари ва молиялаштириш тусига кўра бир қанча турларга бўлинади.

Бундай молия-кредит ташкилотларига давлатлараро ва халқаро фондлари киради. Улар низом капиталида иштирок этувчиларга мақсадли кредитлар ажратадилар ва мақсадли фондларни ташкил этадилар. Бу ташкилотлар фаолияти давомида олган даромадларидан улушига кўра дивиденд тўлайдилар ҳамда турли мақсадлар учун захира фондларини шакллантирадилар. Мазкур ташкилотлар жумласига Халқаро Инвестиция банкини (ХИБ), Иқтисодий Ҳамкорлик Халқаро банкини (ИХХБ), ЕТТБ, ХВФни киритиш мумкин.

Мамлакатлар орасида халқаро валюта муносабатлари, унинг ривожланиши, халқаро валюта операциялари ва валюта бозорларининг ривожланиши жаҳонда ХВФ ни ташкил этилишига олиб келди. ХВФ

Иккинчи жаҳон уруши охирида, янги ва стабил халқаро иқтисодий тизимни қуриш ва охириги 10 йил ичида такрорланган хатоларни қайтармаслик учун ташкил этилди. Ўтган 66 йил ичида ХВФ ўзгариши ва такомиллашиши кузатилмоқда. У ўзининг ташкил этилган пайтдан буён тарихга муҳрланиб келмоқда, ва унда кўпгина сиёсий ва иқтисодий фикр-мулоҳазалар ёритилган.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам бозор муносабатларининг ривожланиши билан хўжалик юритишнинг муҳим таркибий қисми бўлган халқаро молия муносабатларнинг аҳамияти ортмоқда. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва байналмиллашуви натижасида товарлар, хизматлар ва айниқса капитал оқимларнинг халқаро даражадаги айланмаси кенгаймоқда. Бу эса мамлакатимизнинг Халқаро ташкилотларга аъзо бўлишни талаб қилади. Ана шундай ташкилотлардан бири ХВФ ҳисобланади. Бу ташкилот билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши, нафақат республикани жаҳон бозорига интеграциясини тезлаштирди, амалга оширилмаётган таркибий ислохотлар ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш самарасини оширди. ХВФ билан Ўзбекистон орасидаги муносабат тобора ривожланиб келмоқда.

Бунга яққол мисол сифатида 2009 йилнинг октябрда юртимизга ташриф буюрган Халқаро валюта фонди директорлари миссиясининг баёнотида, шундай дейилган: “Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди”. Бундан кўриниб турибдики, ХВФ нафақат, кредит бериш, валюта муносабатлари билан шуғулланар экан, балки ҳар бир аъзо мамлакатнинг иқтисодий аҳволини, ундаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини прогнозлаштиришни ҳам амалга оширади.

1. Халқаро Валюта Фондининг ташкил топиши ва ривожланиш босқичлари.

Халқаро Валюта Фонди мамлакатлараро ташки иктисодий алоқаларнинг ривожланиши жараенида шаклланади. ХВФ уз тараккиетида бир неча тарихий босқичларни босиб утди. ХВФ нинг энг биринчи шакли олтин андоза тизими булган. У 1870 йилдан 1914 йилгача давом этган. Унинг мохияти мамлакатлар уртасида халқаро савдо-сотик қизғин ривожланган XVII-XVIII асрларда Гарбий Европанинг купчилик давлатлари пул бирликларини олтинга эркин алмаштириш тажрибасини куллади.

ХВФ БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилоти бўлиб, у унга аъзо давлатлар ўртасидаги валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш ва шу мамлакатларга тўлов баланси камомадини қисқартириш, молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган.

Бреттон-Вудс жаҳон валюта тизими (1944-1972 й.). 1943 йилга келиб, АҚШ ҳамда Буюк Британия эркин ва барқарор валюта тизимини барпо қилиш учун дастлабки қадамларни қўйди. 1944 йилнинг июль ойида Бреттон-Вудс шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда АҚШ "олтин андозаси"га асосланган концепцияга ўтиш ташаббуси билан чиқади. Шу вақтнинг ўзида янги халқаро валютани тартибга солиш тизими фаолиятини назорат қилиш учун Халқаро Валюта фонди (ХВФ)ни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Янги тартибнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат эди: барқарор алмашув курсларига эга бўлган халқаро валюта тизимини ташкил этиш; қаттиқ валюта назорати бекор қилиниши ва барча валюталарнинг конвертирланишига эришиш.

Бреттон-Вудс тизимининг асосий томонлари қуйидаги тамойилларни ўз ичига олади:

- мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб-китобларда олтин ўзининг охириги пул функциясини сақлаб колди;
- америка доллари захира валюта сифатида қабул қилинди.

У олтинга тенглаштирилиб, бошқа мамлакатларнинг валюта кийматини ўлчаш ҳамда халқаро кредит тўлови воситаси сифатида қабул қилинди;

- бошқа мамлакатларнинг марказий банклари ва ҳукуматлари долларни АҚШ хазиначилигидан 1 тр. унцияси (31,1 г.) учун 35 доллар курси бўйича алмашиши мумкин эди. Бундан ташқари ҳукумат органлари ва хусусий шахслар олтинни хусусий бозорлардан харид қилишлари мумкин эди. Олтиннинг валюта баҳоси расмий курс асосида белгиланиб, у 1968 йилгача сезиларли даражада тебранмаган;
- валюталарнинг бир-бирига тенглаштирилиши ва уларни ўзаро алмаштириш, олтин ва долларда ифодаланадиган расмий валюта паритетларида амалга оширилган;
- валюта муносабатларини давлатлараро тартибга солиш, асосан ХВФ томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Халқаро валюта фонди (ХВФ; International Monetary Fund) БМТнинг мақсадли ташкилот мақомига эга бўлган халқаро валюта муассасасидир. ХВФ 1944 йил июлда (1-22 июлда) АҚШнинг Нью-Гемпшир штатидаги Бреттон-Вудсда ташкил этилган кооператив ҳукуматлараро валюта-молиявий ташкилотдир. Жамғарма ўз фаолиятини таркибидаги 39 мамлакат билан 1946 йилнинг май ойида Вашингтонда бошлаган эди. Конференция ХВФ тўғрисида Битим Моддалари (Articles of agreement)ни қабул қилди. Бу ҳужжат ХВФ низоми вазифасини ўтайди ва 1945 йил 27 декабрда кучга кирди.

ХВФ валюта операцияларини 1947 йилнинг 1 мартидан бошлаган. 1947 йили ХВФга 49 мамлакат аъзо ҳисобланиб, ташкилотнинг асосий капитали 7,7 млрд. долларни ташкил қилган эди. Ҳозирги кунда 184 мамлакат аъзо бўлиб ҳисобланади. Халқаро Валюта Фонди уставиди кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни қабул қилишга тайёр бўлган ва ўз ташқи сиёсатини юритаётган ҳар қандай давлат Халқаро Валюта Фондининг аъзоси бўлиши мумкин.

Халқаро Валюта Фондининг нима учун ташкил этилган ва у нима булан шуғулланишини ҳамма ҳам билмайди. Баъзилар уни Жаҳон банки ёки банкларга ёрдам берувчи бирор бир ташкилот билан алмаштириб, Халқаро Валюта Фонди камбағал мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ёрдам бериш учун ташкил қилинган деб фараз қиладилар. Бошқалар эса жаҳон миқёсида пул эмиссиясини бошқарувчи халқаро Марказий банк сифатида тасаввур қиладилар. Яна бошқалари эса Халқаро Валюта Фондини бюджет соҳасида рационализмга эришиш йўлидан қайтмайдиган ва қай тарзда бўлмасин ўз аъзо мамлакатларини иқтисодий консерватизм йўлидан юришга мажбур қиладиган сиёсий ташкилот деб қарашади.

Аслида эса, юқорида келтирилган фаразларнинг ҳеч қайсиси Халқаро Валюта Фондининг моҳиятини оча олмайди. Халқаро Валюта Фонди ривожланиш банки ҳам, жаҳон марказий банки ҳам, ўз аъзоларинин бирор бир чора-тадбирларни қўллашга мажбур қилувчи ташкилот ҳам эмас. Халқаро Валюта Фонди – давлатлар ўртасида хорижий валютада тўловлар вақтида ва тўлиқ амалга ошиши учун, ўз миллий валюталарини сотиш ва харид қилиш тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида, ўзаро консультациялардан манфаатдорликни тан олган 184 давлатнинг ихтиёрий тарзда аъзо бўлишидан ташкил топган ҳамкорлик ташкилотидир.

Халқаро Валюта Фондининг фаолияти фавқулотда вазиятларни бартараф этишга қаратилган. Халқаро Валюта Фондининг аъзо-давлатлари барча манфаатдор томонлар учун, ҳар бир ҳукумат ўз сиёсати ҳақида бошқа давлатларга маълумот бериб туришини фойдали деб ҳисоблайди. Шунингдек, улар сиёсатга барча аъзо-давлатларнинг розилиги билан киритилган ўзгартиришлар халқаро савдо ва жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ўсишига ҳамда юқори даромадли иш жойлари сонининг ўсишига олиб келади деб ҳисоблайдилар.

ХВФ мамлакатлар ўртасидаги валюта-ҳисоб муносабатларни бошқариш ва шу мамлакатларда тўлов балансининг мувозанати бузилганда мавжуд бўладиган валюта қийинчиликларини бартараф этиш учун уларга

хориж валютасида молиявий ердан курсатади, яъни қисқа муддатли қарзлар беради. Бу фонд БМТ ининг махсус муассасаси сифатида уз фаолиятини амалга оширади, лекин БМТ ХВФ нинг олиб бораётган сиесатига аралашини хукукига эга эмас.

Халқаро Валюта Фонди аъзо-давлатларининг ички иқтисодий сиёсатини бошқара олмайди. Фақатгина ўз аъзо-давлатларидан пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати ҳақидаги маълумотларни талаб қила олади. Халқаро Валюта Фондининг тўлов сиёсатини назорат қилишининг асосий сабаби, бу сиёсатнинг давлатлар ўртасидаги пул оқимида катта таъсир этишидир, бу эса халқаро ташкилот томонидан умумий назорат олиб борилмаган тақдирда умуман ишлай олмайди. Валюта айирбошлаш давлатлар ўртасидаги молиявий муносабатларнинг энг чекка нуктаси бўлса, халқаро савдода энг зарурий инструмент ҳисобланади. Ҳар қандай валюта бошқа валютада ўз қийматига эга. Валюталарнинг қиймати ҳозирги вақтда доимо тебраниб турибди ва бу ҳақдаги маълумот ҳар куни эълон қилиб турилибди. Валюта бозоридаги операциялар кундалик ҳаётимиздан узоқ туюлсада, барчамизга катта таъсир ўтказди.

ХВФ ининг ривожланиш босқичларини таҳлил қилиб ўтсак, бу фонднинг яратилган кундан бошлаб ҳозирги кунда унинг аҳамияти, зарурлиги ва роли янада ошиб бормокда. Фонд доирасидаги муҳим масалалар 10 та энг ривожланган мамлакатлар билан биргаликда кўриб ўтилади ва керакли тўлдиришлар ёки ўзгаришлар киритилади. Бу мамлакатлар Бельгия, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, АҚШ, Франция ва Япониялардир.

ХВФ нинг таркибини кўрадиган бўлсак, ХВФ бошқарув органларининг жойлашган манзили Вашингтон (АҚШ) бўлиб, унинг офислари Брюссел, Париж, Женева, Токио ва БМТ қошида Нью-Йоркда мавжуд.

Бошқарув Кенгаши (Boards of Governors)– Халқаро Валюта Фондининг олий бошқарув органи ҳисобланади. Унга ҳар бир давлатдан

биттадан бошқарувчи ва уларнинг ўринбосарлари киради. Одатда бошқарувчи ва уларнинг ўринбосарлари молия вазирлари ёки Марказий банкларнинг бошқарувчилари бўлгани учун, улар ўз ҳукуматлари номидан иш юрита оладилар. Бошқарув Кенгаши йилда бир марта йиғилиш ўтказди, аммо почта орқали овоз бериш йўли билан қарорлар қабул қилиш ҳам мумкин.

Қўшган взносига қарамасдан ҳар бир давлат 250 “базавий” овозга эга бўлиб, кейин яна қўшимча ҳар 100 минг СДРга битта овоз берилади. Аъзоларнинг 70 ва 85 фоиз овозлари билан қарорлар қабул қилинади.

Фонд томонидан қабул қилинаётган қарорларга АҚШ ва Европа давлатлари (ЕХ) катта таъсир ўтказа олади.

Кенгашнинг вазифаси: ХВФ билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларни ҳал этиш. Буларга Фондга аъзоларни қабул қилиш ёки чиқариб ташлаш, квоталарни ҳажмини белгилаш, фойдани тақсимлаш, директорларни сайлаш каби масалалар юклатилган. Бошқарувчилар 1 йилда 1 марта ўтказиладиган сессияда учрашиб шу масалаларни кўриб чиқилади. Ҳар бир қабул қилинадиган қарор сайлов асосида ўтказилади.

Бошқарув Кенгашига Бирлашган министрлар комитети ёрдам беради. Бу комитет асосан ривожланаётган мамлакатларга реал ресурсларни етказиб бериш билан шуғулланади ва умуман иқтисодий ривожланишга оид масалалар, саволларни ҳал этади:

- 1) Аъзо мамлакатларнинг валюта курсини шакллантириш механизмини кузатади;
- 2) Аъзо мамлакатларга молиявий ёрдам бериш ҳақида қарорни қабул қилади.
- 3) Ҳар йили Бошқарув Кенгашига ҳисобот тайерлайди.
- 4) Халқаро молия соҳасига оид бўлган глобал муаммоларни ҳал қилиш.

Бошқарувчилар Кенгаши ваколати доирасига кирувчи масалалар:

- ХВФ низомига ўзгартиришлар киритиш;
- Аъзо мамлакатлар квоталарини белгилаш;

- Ижрочи директорларни сайлаш;
- Фондга янги аъзоларни қабул қилиш;
- Фонд аъзолигидан чиқариш.

Халқаро валюта ва молия комитети (1974 йилдан 1999 йилгача Вақтинчалик Комитет дейилган) – Ижро этувчи кенгашнинг қарорларини бажаради. Халқаро Валюта Фондининг бошқарувчиларининг 24 кишисидан ташкил этилади. Халқаро валюта ва молия комитети йилда икки марта йиғилади ва Бошқарув Кенгаши олдида халқаро валюта тизимининг шакллантирилиши ва бошқарилиши тўғрисида ҳисобот беради, шунингдек, шартнома моддаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифлар билан чиқади.

Ривожлантириш Комитети Жаҳон банки бошқарув кенгаши ва Халқаро Валюта Фонди бошқарувчиларидан ташкил топади. Халқаро Валюта Фондининг Бошқарув Кенгаши олдида ҳисоботлар беради ва йўл-йўриқлар кўрсатади.

Ижро этувчи кенгаш – Халқаро Валюта Фондининг муҳим бўйини бўлиб, кенгаш операцион ва административ характердаги масалаларни кўради, шунингдек, аъзо-давлатларга нисбатан Фонднинг сиёсатига доир масалалар билан шуғулланади. Ижро этувчи кенгаш ҳафтада камида 3 марта расмий учрашуви бўлиб ўтади. Кенгаш директорлари Бошқарув кенгаши орқали аъзо-давлатлар томонидан оилб борилаётган сиёсатни кузатиб борадилар. Ҳозирги кунда ижроия директорларидан 3 таси 1 тадан давлат номидан иш олиб боради: Хитой, Россия ва Саудия Арабистони. Қолган 16 та ижроия директорлари мамлакатлар гуруҳи номидан иш юритади. Ижро этувчи кенгаш камдан-кам ҳолларда қарорларни расмий овоз бериш йўли билан қабул қилади, бунинг ўрнига аъзолар позициясининг тўлиқ розилигини таъминлашга ҳаракат қилинади, бунда муҳим масалалар бўйича фикрлар тўқнашувининг минимал даражасига ҳамда қабул қилиб бўлинган қарорларга умумий тарзда рози бўлишга эришилади.

Бошқарувчи – Ижро этувчи кенгаш томонидан сайланади ҳамда Ижро этувчи кенгашни бошқаради ва ташкилотнинг бош персонали ҳисобланади. Ижро этувчи кенгаш бошқаруви остида бошқарувчи Халқаро Валюта Фондининг кундалик фаолиятига жавоб беради. Бошқарувчи 5 йилга тайинланади ва кейинги муддатга яна қайта сайланиши мумкин.

Халқаро Валюта Фонди бошқарувчиси 2600 га яқин доимий ишловчи ходимга эга. Бу ходимлардан энг юқори даражадаги профессионализм ва техник компетентность талаб қилинади. Анъанага кўра бошқарувчи европалик бўлиши, ёки ҳар қандай ҳолда ҳам америкалик бўлмаслиги керак (Жаҳон банки президенти эса анъана бўйича АҚШ фуқароси бўлиши керак).

ХВФ нинг ташкилий структураси доимий равишда узгариб туради. Бу эса ХВФ нинг функциялари билан ва умуман олганда жаҳон иқтисодиетидаги узгаришлар билан боғлиқ булади


ХВФ нинг аъзо мамлакатлар билан муносабат қилишда еки алоқалар урнатишда регионал булимлар ердан беради. Хозирги кунда 7 та булим мавжуд: Африка, Европа I, Европа II (1991 йил декабрда ташкил қилинган), Гарб, Урта Осие, Марказий Осие ва Тинч Океан региони. Бундан ташқари яна бир булим ташкил қилинган. Бу булим майда қисмлардан иборат, яъни Марказий банк, валюта ва савдо муносабатлар бўйича, бюджет, солиқ масалалари бўйича, қонун бўйича ва бошқалар.

Алоҳида бўлимлар ҳам мавжуд, буларга: административ бўлим, Ташқи иқтисодий муносабатлар бўлими, статистика, ғазна, компьютер хизматлар, ички аудит ва ревизия бюроси, ХВФ нинг институтлари қиради.

Фонднинг аппаратида 2,3 мингдан ортиқ иқтисодчилар, бухгалтерлар, юристлар иш олиб борадилар.

ХВФ га аъзо мамлакатлар квотаси миқдоридан қатъий назар 250 овозга эгадир ва квотасининг ҳар 100 минг СДР учун битта овозга эгадир.

ХВФда йирик улушга эга бўлган мамлакатлар: 1-диаграмма¹



Фонд фаолиятида 53 та муҳим масала бўлиб, уларнинг сезиларли қисми аъзо мамлакатларнинг 85 % овоз бериш йўли билан ҳал қилинади. Демак, АҚШ нинг ўзи бундай масалалар бўйича қарор қабул қилишга вето қўйиши мумкин.

ХВФ нинг ресурслари унинг капиталидан ва жалб қилинган ресурслардан иборат.

ХВФнинг низом фонди- аъзо мамлакатларга ўрнатиладиган квоталар асосида тўланадиган бадаллардан ташкил этилади. Квоталар ҳар бир аъзо мамлакатнинг молиявий бадал ҳажмини аниқлаш; пропорционал равишда ХВФ кредитлари ҳажмини аниқлаш; овозлар сонини аниқлаш учун хизмат қилади.

Фонд капитали унга аъзо мамлакатларнинг тўлайдиган квоталаридан ташкил топган. Квота миқдори мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги ва халқаро савдодаги мавқеига қараб белгиланади. Ҳозирги вақтда Германия, Япония ва Саудия Арабистони каби давлатлардаги халқаро савдодаги мавқеи кучайиб бораётгани сабабли уларнинг квотаси каттадир. 1978 йилга қадар квотанинг 25 % олтинда тўланар эди. Ҳозирги кунда квотанинг 25 % СДР ва эркин айирбошланадиган валюталарда тўланади, қолган қисми эса миллий валютада тўланади. Квоталар 5 йилда бир марта қайта кўриб чиқилади. 1947 йилдан бери квоталар 9 марта қайта кўриб чиқилган. Квота ЯИМ, импорт ва экспорт ҳажми, олтин валюта захиралари ҳажми кўрсаткичлари асосида ҳисобланади. Квоталар ҳажми ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади. Квоталар

ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ХВФ бошқарув органларида овозлар мамлакатлар ўртасида тақсимланади. Ҳар бир мамлакат 250 овозга эга ва ҳар бир қўшимча 100 минг СДР учун 1 та овоз қўшиб берилади. Ҳозирги бошқарув органида овозларнинг энг кўпи АҚШга тегишли-17,7%.

Фонд ўз капиталидан ташқари маблағлар жалб қилиш имкониятига эгадир. 1962 йил январ ойида “ўнлик гуруҳи” қарзлар тўғрисидаги бош битимни имзолади, унга кўра ушбу мамлакатлар ўзларининг миллий валюталарида ХВФ га олтин 6 млрд. долларгача кредит беришлари лозим. Кредит доимий тикланадиган асосда берилади. ХВФ ўз навбатида бу ресурсларни 3-5 йилга кредит сифатида бериши мумкин. Бош битим мазкур йилнинг 24 октябридан бошлаб кучга кирди. Бош битимга 1964 йилда Швейцария қўшилди.

Ўнлик гуруҳи аъзолари қуйидаги мамлакатлар ҳисобланади: Бельгия, Буюк Британия, Италия, Канада, Голландия, АҚШ, Германия, Франция, Швеция, Япония.

Бош битим дастлаб 4 йил муддатга тузилган эди. Кейинчалик у бир неча марта узайтирилди. 1983 йилда кредит лимити қайта кўриб чиқилиб, 17 млрд. СДР га етказилди. 1993 йил 5 январда ХВФ бош битимни 5 йилга, яъни 1998 йил декабригача узайтирди.

2. ХВФнинг асосий мақсади ва операциялари таҳлили.

Бугунги кунда ХВФнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- Валюта сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

- Валюта сиёсати соҳасида баланслашган ривожланишда ҳамкорлик қилиш;
- Юқори бандлик даражаси ҳамда реал даромадларни таъминлаш ва рағбатлантириш, барча аъзо мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатини асосини ташкил этувчи, ишлаб чиқариш потенциалини ривожлантириш учун жаҳон савдосининг баланслашган ўсишини барқарорлаштириш;
- Валюта барқарорлигин таъминлаш ва аъзо мамлакатлар ўртасида валюта муносабатларини соддалаштириш, шунингдек рақобат муҳитини шакллантириш нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда валюта девальвациясини олдини олиш;
- Кўп тармоқли тўлов тизимларини ташкил этишда иштирок, шунингдек валютани ўтказиш билан боғлиқ чекловларни бекор қилиш;
- Аъзо мамлакатлар тўлов баланслари тақчиллигини йўқотиш учун маблағлар бериш.

Олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун ХВФ ўз функция ва тамойилларини ишлаб чиққан.

ХВФ тамойиллари:

- Тартибга солишдан четга чиқиш мақсадида халқаро валюта тизими ёки валюта курси манипуляциясини таъқиқлаш;
- Валюта инқирозларига барҳам бериш мақсадида валюта бозорларида интервенцияларни амалга ошириш мажбурияти.

ХВФнинг функциялари:

- Кодексда келишилган муносабатларга амал қилиш халқаро валюта сиёсати ва давлатлараро тўловлар айланмаси соҳаларида ҳамкорлик;
- Тўлов баланси тақчиллигини енгиб ўтиш учун молиявий ёрдам;
- Маслаҳат ва ҳамкорлик.

Ўз вазифаларини амалга ошириш мақсадида ХВФ ўз ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютада кредитлар ёки аъзо мамлакат тўлов балансини тенглаштириш мақсадида СДР тақдим этади.

Молиявий операциялар фақатгина аъзо мамлакатларнинг органлари: хазиначилик, Марказий банк, валютани барқарорлаштирувчи фондлар билан бирга амалга оширилади. ХВФ рурсурларини олишни тартибга солувчи қоидалар барча аъзо мамлакатлар учун бир хил. Жорий операциялар бўйича хорижий валютага эҳтиёж сезган мамлакат, кредитнинг зарурлигини исботлаши шарт. Бундай кредитларнинг ҳажмлари қуйидаги шартлар орқали тартибга солинади: қарздор мамлакатларнинг миллий валютаси унинг квотасини йил давомида 25 % идан ва умумий ҳисобда квота ҳажмининг 200 % идан ошиб кетмаслиги керак. Кредитлар бўйича фоизлар ҳар бир молия йили учун даромад ва харажатларни баҳолаш асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, ХВФ таркибида алоҳида кредит турлари бўйича бир неча махсус фондлар ташкил этилган. Ушбу фондлардан аксарият ҳолларда, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда савдо ва тўлов тизимидаги қийинчиликларни бартараф этишга кредитлар ажратилади. Ушбу кредитлар одатда 4-10 йил муддатларда қайтарилиши мўлжалланади.

Кейинги йилларда ХВФнинг даромади паст бўлган ривожланаётган мамлакатлардаги таркибий ислохатларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек ўрта муддатли макроиқтисодий барқарорлаштириш дастурларига ажратилadиган кредитлар салмоғи ортмоқда.

ХВФ кредитлари ва молиявий ёрдамига бўлган талабни кучайиши, унинг Бельгия, Саудия Арабистони, Швейцария, Япония ва бошқа давлатларнинг Марказий банклари ва молия вазирликларидаги, шунингдек, Халқаро ҳисоб-китоблар банкidan кредит олишга мажбур қилди.

ХВФ ўзининг кредит операцияларини расмий муассасалар – Марказий банклар, Молия вазирликлари, барқарорлаштириш фондлари билан амалга оширади.

ХВФ икки хил мақсад учун кредит беради:

1. Тўлов баланси дефицитини қоплаш учун;
2. Ҳукуматнинг бюджет харажатларини қоплаш мақсадида.

ХВФ низомида унинг кредит фаолиятини идентификациялаш мақсадида иккита турга ажратиш мумкин:

- шартнома (transaction) – давлатларга валюта маблағларини ўз ресурслари ҳисобидан бериш;
- операция (operation) – қарз маблағлари ҳисобидан молиявий ёки техник хизмат кўрсатиш.

1976 йили Кингстонда (Ямайка) бўлиб ўтган ХВФнинг навбатдаги йиғилишида янги валюта тизимига асос солинди. Ямайка битимининг йўриқлари асосида халқаро валюта механизмини ташкил этиш тамойилларини қуйидагича келтириш мумкин:

- олтиннинг қийматни ўлчаш сифатида ва валюта курсларини ҳисоблаш воситаси сифатидаги тангар функцияси бекор қилинди.

Олтин эркин нарх белгиланадиган оддий товарга айланди. Бир вақтнинг ўзида у юқори ликвидли актив сифатида махсус товар бўлиб қолаверади. Керак бўлиб қолганда олтин сотилади ва ундан олинган валюта тушумидан тўлов учун фойдаланилади. Муомалага СДР андозаси (Special Drawing Rate-SDR) — "махсус қарздорлик ҳуқуқи" киритилди. Бундан кўзланган мақсад, ушбу валюталарни асосий захира авуари қилиб бошқа захира валюталарни, биринчи навбатда АҚШ доллари ролини пасайтириш эди.

Мамлакатларга валюта курси тартибини танлаш ҳуқуқи берилди. Мамлакатлар ўртасида амалдаги валюта муносабатлари, улар миллий пул бирликларининг сузиб юрувчи курсига асослана бошлади. Курсларнинг тебранишига асосан иккита омил таъсир кўрсатар эди:

а) валютанинг мамлакат ички бозоридаги харид қуввати, реал қиймат нисбатлари;

б) халқаро бозорларда миллий пулга бўлган талаб ва таклиф.

Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб, сузиб юрувчи курс омилларини татбиқ этиш натижасида халқаро валюта тизимини ташкил этишнинг қуйидаги элементларига асосланган мураккаб чизмаси пайдо бўлди:

1) муносабатларни саклаш керак бўлган алоҳида миллий валюталар асосий таянч бирликлар сифатида танланади, аниқроғи, ўз валюта курсини бошқа валютага боғлаш;

2) валюта курсларининг тебраниш даражаси бир хил эмас, шунингдек тебраниш оралиғи кенг. Бунда валюта курси айрим валюталарга нисбатан маълум оралиққа ушлаб турилади, бошқа валюталарга нисбатан эса эркин алмашилади. Бошқача сўз билан айтганда, миллий валюта паритети асосан СДРга нисбатан ушлаб турилади. Амалда мамлакатларнинг валюта тартибини эълон қилишлари турличадир.

1988 йилда 58 мамлакат ўз валюта курсини битта асосий ҳамкор мамлакат валютасига нисбатан ўрнатиши ҳақида қарор қабул қилди: америка долларига (39 мамлакат), француз франкига (14 франк ҳудуди мамлакатлари) ва бошқа валюталарга (5 та мамлакат).

Ямайка битимига асосан жамоа захира валюта бирлиги сифатида СДР тан олинди.

СДР нинг қиймати дастлаб, олтинга кўра белгиланган (СДР= 0.888671 соф олтин) бўлса, 1974 йил 1 июндан бошлаб, СДР курси “валюта савати”га нисбатан аниқлана бошланди.

СДР бўйича депозитлар фоиз келтиради. Агар ХВФда СДРдаги авуарлар ассигнованиядан ортиқча бўлса, мамлакат фоиз олади, аксинча, СДРдаги авуарлар ассигнованиядан кам бўлса, фоиз тулайди. У аъзо мамлакатларга ХВФда ажратилган квоталар асосида ХВФдаги махсус ҳисобварақларда олиб борилади. Ушбу квоталар тўлов балансидаги тақчилликни молиялаштириш учун зарурий валютани сотиб олишга ишлатилади. Аммо СДРнинг халқаро ҳисоб-китоблардаги улуши 6 фоизга яқин. Кўпчилик иқтисодчиларнинг фикрича, СДРга захира валютаси сифатида эмас, балки кўпроқ даражада кредит сифатида қараш керак Лекин СДР ҳам захира, ҳам кредит валютаси ҳисобланади.

Фонд томонидан кенг қўлланиладиган кредитлаш усулларидан бири бу мамлакатларни уларнинг миллий валюталарини сотиб олиш йўли билан

кредитлашдир. Бунда ХВФ мухтож мамлакатга СДР ёки бошқа эркин айирбошланадиган валютани миллий валютага айирбошлаш йўли билан беради. Миллий валюта ХВФнинг шу мамлакат Марказий банкидаги ҳисоб рақамида сақланади. Бу валюталар одатда, алмашилмайдиган валюталар бўлганлиги сабабли улар то қайтиб сотиб олингунга қадар фондда қолади.

Аъзо-мамлакатлар ХВФнинг кредит ресурсларига бўлган йўл маълум шартлар билан чегараланган. Дастлабки Низомга кўра, улар қуйидагилардан ташкил топган эди:

Биринчидан, 12 ойга аъзо-мамлакат томонидан валюта суммаси мамлакат квотаси катталигининг 25 %идан ошмаслиги керак;

Иккинчидан, бу давлатнинг умумий валюта суммаси ХВФ активларида унинг валюта катталигининг 200% идан ошмаслиги керак (Фондга бадал сифатида киритилган 75% квотани ўз ичига олган ҳолда), яъни бошқача килиб айтганда, аъзо-мамлакат ўзининг квотасининг 125%гача кредит олиши мумкин. Кредитлар бўйича фоиз ставкалари даромадлар ва харажатлар баҳоси асосида ҳар бир молиявий йил давомида аниқланади. Биринчи шарт 1978 йили қайта кўриб чиқилган Низомда бекор қилинган эди.

ХВФ кредитларининг сезиларли қисми станд-бай келишуви асосида берилади, яъни бунда мамлакатга келишувга мувофиқ миллий валютани хорижий валюталарга алмаштириш кафолати берилади. 1977 йилга қадар бундай кредитлар 12 ой муддатга берилар эди, 1977 йилдан бошлаб эса 18 ойгача бериладиган бўлди.

ХВФнинг жаҳанда яна бир аҳамиятли жихати шундан иборатки, глобал инқирозга қарши Лондон саммитида Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини барқарорлаштириш учун Халқаро Валюта Фондининг ресурслари 1,1 трлн. АҚШ долларига оширилди. Бу пулларнинг 250 млрд. АҚШ доллари янги СДРларни муомалага чиқаришга қаратилади. ХВФ томонидан ажратиладиган пул маблағлари кредитлашни қайта тиклашга, иқтисодиётни ривожлантиришга ва янги ишчи ўринларини яратишга йўналтирилади.

Саммитда ХВФнинг кредит ресурсларини уч барабар оширишга ва 750 млрд АҚШ долларига етказишга келишилди. Бундан кўриниб турибдики, ХВФнинг жаҳондаги аҳамияти жуда юқоридир.

Халқаро валюта фонди асосан қуйидаги турдаги моддий ёрдам ва кредитларни ажратади:

Stand-by Arrangement (SBA) – стенд бай кредити аъзо мамлакатларга қисқа муддатли тўлов баланси муаммоларини ҳал этиш мақсадида берилади ва ХВФ ресурсларининг катта қисмини ташкил этади. Асосан, Кредитни асосий муддати 12-24 ойгача. Кредитни *қайтариши* муддати 2,25 – 4 йилгача.

Хозирги вақтда стенд-бай кредитлари асосан макроиктисодий барқарорлаштириш дастурларига берилмоқда.

Extended Fund Facility (EFF) - кенгайтирилган фонд маблағлари (1974 й.) – асосан мамлакат тўлов балансида узоқ муддатли муаммоларни ҳал этиш учун берилади. Одатда 3 йилдан кўпроқ муддатга ва *қайтаришлиги 4,5 -7 йилгача*.

Supplemental Reserve Facility (SRF) – қўшимча резерв маблағлари – 1997 йилдан бошлаб истеъмолни қондириш учун жуда қисқа муддат ичида йирик ҳажмда молиялаштирила бошланган.

Compensatory Financing Facility (CFF) – компенсацияланган молиялаштириш маблағлари –жаҳон товар нархлари тебраниши сабабли импорт товарлари нархлари кўтарилиши, экспортдан тушумнинг камайишини туфайли тўсатдан дефицитга эга мамлакатларга ёрдам бериш мақсадида 1963 йилда ташкил этилган. Бу кредитлашнинг молиявий шартлари SBA га ўхшайди, фарқи мамлакат учун ҳеч қандай нагрузкага олиб келмайди.

Poverty Reduction and Growth Facility (PRGF) – қашшаоқликни камайитириш ва ўсишга кўмаклашиш – кам даромадли ва ривожланиш стратегиясига эга мамлакатларга ҳамда шу дастурга аъзо мамлакатларга кредитлар берилади. Охирги йилларда ХВФ ресурсларининг асосий қисми

PRGF га йўналтирилган. Бу қарз маблағларининг фоиз ставкаси 0,5% бўлиб, кредит муддати 5,5 – 10 йил.

Emergency assistance – моддий ёрдам - бу мамлакатда конфликт ва табиий офат юз берган ҳолатида ХВФ томонидан кўрсатиладиган моддий ёрдам. Бу кўмакда кредитнинг фоизи basic rate of charge ҳисобланади, айрим ҳолларда PRGF дастурига эга мамлакатларга фоиз субсидиялари ҳам берилади. Заем 3,25-5 йил давомида тўлаб берилиши керак. 1962 йилдан ХВФ табиий офатлар (сув тошқини, zilzila, бўрон ва б.) дан азият чеккан аъзо мамлакатларга моддий ёрдам қилишни кўриб чиқади. Бу ёрдамдан мақсад импорт товарлари нархлари кўтарилиши, экспортдан тушумнинг камайиши туфайли тўсатдан дефицитга эга мамлакатларга чет эл валютасида тез молиялаштиришдир.

Халқаро Валюта Фонди аъзо-мамлакатлардан шартнома суммасидан 0.5% миқдорида ва маълум тўловни (charge) ёки бозор ставкаларига асосланган, берилган кредит учун фоиз ставкаси миқдорида бир марталик комиссия хизмат ҳақи олади.

Белгиланган вақт тугаши билан мамлакат – эмитент ўз миллий валютасини қайтариб сотиб олиши, яъни кредитни қайтариши шарт. Одатда бундай кредитлар 3-5 йил муддатга берилади. Бундан ташқари қарздор мамлакат тўлов балансининг аҳволи яхшиланиши ва валюта захиралари кўпайиши билан миллий валютасини муддатидан олдин сотиб олиши лозим.

ХВФ қарз олган мамлакатдан битим суммасининг 0.5%и миқдорида бир марталик йиғим олади.

ХВФдан сотиб олинadиган хорижий валютанинг квотанинг 25%игача бўлган биринчи қисми захира улуши дейилади. У квотанинг фонд ихтиёридаги миллий валюта захирасидан ортиқча қисми сифатида аниқланади. Агар фонд аъзо мамлакатнинг квотасидан кредит шартномаси орқали фойдаланса, уҳолда унинг “кредит позиция”си юзага келади. Захира улуши ва кредит позицияси биргаликда мамлакатнинг захира позициясини

ташқил қилади. Мамлакат захира позициясини тўсиқсиз, талаб қилиши билан олиш ҳуқуқига эга.

Хорижий валютадаги мамлакатнинг захира улушидан ортиқча маблағлар 4 та транш орқали берилади. Ҳар бир транш квотанинг 25%ини ташқил қилади. Мамлакат ХВФдан захира ва кредит улушларини тўлиқ ишлатиш йўли билан максимум квотанинг 125% миқдорида кредит олиши мумкин.

ХВФ кредит беришда маълум шартлар қўяди. Бу шартлар траншдан траншга ўтилиши билан мураккаблашиб боради.

ХВФ ўзининг тавсияларини ишлаб чиқишдан тўлов баланси таҳлилининг монетаристик назариясига таянади. Бундай ёндашув пул массаси билан тўлов балансининг ҳолати ўртасидаги алоқадорликни белгилайди. ХВФ тўлов балансининг нобарқарорлигининг асосий сабаби ортиқча ялпи тўловга қобил талабнинг мавжудлигидир деб ҳисоблайди. Бу эса давлат бюджетининг жуда дефицит эканлиги ва пул массасининг кескин ўсиши натижасидир.

3. Ўзбекистон ва ХВФ муносабати ва уларни ривожлантириш йўллари.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг "Халқаро валюта фонди (ХВФ)га аъзолик тўғрисида"ги қонунини қабул қилди.²

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 21 сентябрда ХВФга аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистон Республикаси Швейцария, Польша, Туркманистон, Киргизистон ва Тожикистон давлатлари гуруҳига киради. Вазирлар Маҳкамасининг 93-рақамли 1993 йил 27 мартдаги Фармойишига мувофиқ республиканинг ХВФ имзо квотасига тўлов амалга оширилди.

1993 йилнинг сентябридан Ўзбекистонда ХВФнинг ваколатхонаси фаолият юрита бошлади. ХВФнинг Ўзбекистон бўйича экспертлари ишини ХВФ 2-Европа Департаментининг Шарқий сектори бошқармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, ХВФнинг алоқа агентлиги ва авуарлар депозитарийси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг мазкур муассасага аъзолиги билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш ваколатига эга.

Ўзбекистон Республикасидан ХВФ бошқарувчиси Ўзбекистон Марказий Банки раиси, бошқарувчи ўринбосари – Молия вазирининг 1-ўринбосари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан 2001 йилга қадар ХВФдан 165.2 млн. СДР миқдорида кредит олди. Шундан 65.45 млн.и стенд-бай келишуви асосида олинган. ХВФдан Ўзбекистон Республикасига берилган қарзларнинг умумий миқдори 165,2 млн. СДР (225,2 млн. АҚШ долл. яқин) ни ташкил этди, бўлардан 99,75 млн. СДР (135,9 млн. АҚШ долл. яқин) тизим механизмларини қайта ташкил этиш (STF) доирасида ва "Стенд-бай" кредита 65,45 млн. СДР ҳажмида (89,2 млн. АҚШ долл.) тақдим этилган.

1999 йилдан эътиборан ХВФдан олинган қарзларни ёпиш амалга ошира бошланди. Ҳозирги вақтда берилган муддатга мувофиқ ҳаммаси бўлиб 123,6 млн. СДР (168,5 млн. АҚШ долл. яқин) қарз тўланди ва 2003 йил 1

².Манба: Markaziy bank rasmiy sayti: cbu.uz

апрелигача _ бўлган қарзлар 41,6 млн. СДР (56,7 млн. АҚШ долл. яқин)ни ташкил этади.

2001 йил 25 сентябрида "Стенд-бай" қарзларини ёпиш бўйича охириги тўлов амалга оширилди ва натижада республиканинг ушбу қарз бўйича мажбуриятлари тўлиқ бажарилди. Ўзбекистоннинг ХВФ дан қарзи 2010 йилга келиб қолмади.


ХВФ экспертлари Ўзбекистон ҳукуматига давлат бюджети дефицитини молиялаштиришни такомиллаштириш юзасидан таклиф киритган эдилар, яъни давлат бюджети дефицитини қоплаш мақсадида жалб қилинадиган Марказий банк кредитларининг миқдори йиллик солиқ тушумларининг 5 % идан ошиб кетмаслиги лозим. Германияда эса, Марказий банкдан олинадиган ҳукумат кредитларининг миқдори 6 млрд. DEM миқдорида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон тижорат банклари томонидан ўтган 2011 йилда халқаро молия институтларининг 143,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилди. Ушбу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар ошди. Мазкур соҳага ажратилган кредитлар ҳисобидан ҳудудларда 291 мингдан ортиқ янги иш ўрини яратилди.

Бундан ташқари, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар ҳукуматларининг 143,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит линиялари ва грантлари ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига кўра халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори 2011 йилда 75 миллион АҚШ долларини, 2015 йилга бориб эса 155 миллион АҚШ долларини ташкил этиши мўлжалланган.

2011-2015 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратилadиган грантлар ва кредитлар миқдори:³



Айнан шу қарзлар ва грантлар ажратишда халқаро молия институтлари ичида ХВФ нинг ҳам аҳамияти катта.

Бугунги кунда ХВФ ва Ўзбекистон муносабатлари янада ривожланиб бормоқда. Бунга яққол мисол қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан 2012 йил 21 ноябрда тасдиқланган ХВФ миссиясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи Дастурига мувофиқ шу йилнинг 30 ноябрида Давлат статистика қўмитасида Вероника Бакалу хоним бошчилигида ХВФ миссияси билан учрашув ташкил этилди. Мазкур учрашувда, шунингдек, ХВФ нинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари Департаменти директори ўринбосари Даниела Грессани хоним ҳам иштирок этди.

³ Манба: А.Ш.Бекмуродов, И.У.Мажидов, У.В.Г'афуров, Ш.И.Мустафоқолов. Buyuk va muqaddassan, mustaqil vatan. – Т.: О'қитuvchi, 2011, 97-бет.

Учрашувда Ўзбекистон иқтисодиётининг сўнги йилларидаги ривожланишининг яқунлари, унинг асосий омиллари, миллий ҳисоблар статистиканинг ривожланиши, истеъмол нархлари индексининг шаклланиши, статистик маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Учрашувнинг аввалида, хусусан, ХВФ миссияси вакилларига жаҳонда давом этаётган молиявий инқирозга қарамасдан, охириги йилларда Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари сақланиб қолинганлиги, жумладан 2012 йилнинг январ-сентябр ойларида ЯИМнинг ўсиш суръати 8,2% ни, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари – 7,2%, қишлоқ хўжалиги – 7,1%, асосий капиталга киритилган инвестициялар-9,8%, қурилиш ишлари ҳажми-9,8%, чакана савдо – 12,6%ни ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш – 14,9%ни ташкил этганлигини таъкидлаб ўтилди. Яъни, ҳозирги кунда статистика кўрсаткичларини ҳисоблаш услубиятини янада такомиллаштириш мақсадида 2011-2012йиллар давомида Давлат статистика қўмитаси томонидан 20дан ортиқ услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги, тасдиқланганлиги ва статистика амалиёти жорий қилинганлиги, шунингдек, 2013йил учун Давлат статистика қўмитасининг услубий низомларини ишлаб чиқиш режасига асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини соф чораклар асосида ҳисоблаш ва ЯИМ ни ишлаб чиқариш усули билан доимий нархларда IFTUT 2-таҳрир асосида ҳисоблаш бўйича услубий ишлар киритилиши режалаштирилаётганлиги ҳақида хабар берилди. Учрашувда, Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти миллий ҳисоблар ва нархлар статистикасининг услубиятини такомиллаштириш бўйича эришилган ютуқлар тўғрисида ХВФ миссиясига тўлиқ маълумот берди. Бундан ташқари, миллий статистикани ривожлантириш мақсадида МХТ-2008 тавсияларини статистика амалиётига тадбиқ этиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан “Марказий банкнинг ишлаб чиқариш ҳажми”, “Билвосита ўлчанадиган молиявий воситачилик хизматлари”, “Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга харажатлар” компонентлари бўйича ўзгаришларнинг МХТ кўрсаткичларига

таъсири таъриба ҳисоб-китобларида ўрганилаётганлиги, миллий ҳисоблар ва нархлар статистикаси услубиятини такомиллаштириш мақсадида кейинги йилларда Давлат статистикаси қўмитаси томонидан олиб борилган ишлар ҳамда эришилган ютуқларга ХВФ миссияси томонидан ижобий баҳо берилди. Шунингдек, ХВФ вакиллари барча қўйилган ва муҳокама қилинган саволларга тўлиқ жавоблар ва изоҳлар олдилар. Ўзбекистонга кўпгина кредитлар ажратиш бўйича муҳокамалар бўлиб ўтди. Давлатимизни тез суратда ривожланаётганини таъкидлаб ўтишди.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Халқаро Валюта Фонди мамлакатлараро ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши жараенида

шаклланади. ХВФ уз тараккиетида бир неча тарихий боскичларни босиб утди. ХВФ нинг энг биринчи шакли олтин андоза тизими булган. ХВФ БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилоти бўлиб, у унга аъзо давлатлар ўртасидаги валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш ва шу мамлакатларга тўлов баланси камомадини қисқартириш, молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган.

Халқаро Валюта Фондининг фаолияти фавқулотда вазиятларни бартараф этишга қаратилган. Халқаро Валюта Фондининг аъзо-давлатлари барча манфаатдор томонлар учун, ҳар бир ҳукумат ўз сиёсати ҳақида бошқа давлатларга маълумот бериб туришини фойдали деб ҳисоблайди. Шунингдек, улар сиёсатга барча аъзо-давлатларнинг розилиги билан киритилган ўзгартиришлар халқаро савдо ва жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ўсишига ҳамда юқори даромадли иш жойлари сонининг ўсишига олиб келади деб ҳисоблайдилар.

ХВФнинг асосий мақсади мамлакатлар ўртасидаги валюта-ҳисоб муносабатларни бошқариш ва шу мамлакатларда тўлов балансининг мувозанати бузилганда мавжуд бўладиган валюта қийинчиликларини бартараф этиш учун уларга хориж валютасида молиявий ёрдам кўрсатиш, яъни қисқа муддатли қарзлар бериш ҳисобланади. Бу фонд БМТнинг махсус муассасаси сифатида уз фаолиятини амалга оширади, лекин БМТ ХВФ нинг олиб бораётган сиёсатига аралаштириш ҳуқуқига эга эмас.

Халқаро Валюта Фонди аъзо-давлатларининг ички иқтисодий сиёсатини бошқара олмайди. Фақатгина ўз аъзо-давлатларидан пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати ҳақидаги маълумотларни талаб қила олади. Халқаро Валюта Фондининг тўлов сиёсатини назорат қилишининг асосий сабаби, бу сиёсатнинг давлатлар ўртасидаги пул оқимига катта таъсир этишидир, бу эса халқаро ташкилот томонидан умумий назорат олиб борилмаган тақдирда умуман ишлай олмайди. Валюта айирбошлаш давлатлар ўртасидаги молиявий муносабатларнинг энг чекка нуқтаси бўлса, халқаро савдода энг зарурий инструмент ҳисобланади. Ҳар қандай валюта бошқа валютада ўз

қийматига эга. Валюталарнинг қиймати ҳозирги вақтда доимо тебраниб турибди ва бу ҳақдаги маълумот ҳар куни эълон қилиб турилибди. Валюта бозоридаги операциялар кундалик ҳаётимиздан узоқ туюлсада, барчамизга катта таъсир ўтказди.

Юқорида ХВФнинг ривожланиш босқичларини таҳлил қилиб ўтдик, бу фонднинг ташкил этилган кундан бошлаб, то ҳозирги кунгача унинг аҳамияти, зарурлиги ва роли янада ошиб бормокда. Чунки бу ташкилот ривожланаётган ва қолоқ давлатларга кредитлар ва ёрдам грантларни ажратиш билан бир қаторда, ҳар бир аъзо мамлакат макроиктисодий кўрсаткичларини прогноз қилади. Бу эса ҳар бир аъзо мамлакатнинг ривожланиш даражасини белгилаб беради. Бунга яққол мисол қилиб бизнинг мамлакатимиз ЯИМни прогнозлаштирди. ХВФнинг прогнози бўйича Ўзбекистоннинг ЯИМ 2013 йилда 6,5%га, 2014 йилга келиб 7%га ошади. Бу эса мамлакатимизнинг ривожидан дарак беради.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасининг ҳам Марказий банкининг ташқи алоқалари доираси анча кенгайиб боргани, халқаро молия ташкилотлари ва йирик хорижий банклар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик янада ривожланди. Бунда ХВФнинг ҳам аҳамияти жуда катта. Чунки айнан ХВФ томонидан халқаро андозаларга мос равишда банк қонунчилигини яратиш, бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисобварақлар режасини ишлаб чиқиш, янги ҳисоб ва ҳисоботларни киритиш, шунингдек тўлов тизимини такомиллаштириш масалалари ҳамда мутахассисларни ўқитиш ва касбий малакасини ошириш бўйича ёрдам берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқ. Президентимизнинг 2012-йил якунлари бўйича маърузаларида 2013-йилга тайёрланган режа ҳақида гап юритганда Ўзбекистон банк

тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, Республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк назоратини кучайтириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади. Банк тизими жами капиталини камида 20%га кўпайтириш мўлжалланмоқда. Ана шу натижаларга эришиш учун халқаро кредит ва хорижий инвесторларни жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Бунда ХВФ аҳамияти жуда катта. Чунки айнан ХВФ ажратган кредитлар орқали Ўзбекистонда ривожланаётган ва янги соҳаларни ривожлантириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига қтишнинг қзига

- хос йўли, Т.: Ўзбекистон, 1993 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолати, Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.
 3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда, Т.: Ўзбекистон, 1999 йил.
 4. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қаттият билан давом эттириш” 2012Ғйилда мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси.№13сон 2013-йил 19-январ.
 5. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ги қонуни, 1995 йил 21 декабр.
 6. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни, 1996 йил 25 апрел.
 7. Ўзбекистон Республикаси «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни, 1993 йил 9 май
 8. А.А.Омонов, Т.М. Қоралиев- “Пул, кредит, банклар”,”Iqtisod-moliya”-2012.
 9. Абдуллаева Ш. “Халқаро валюта-кредит муносабатлари” - Т.: “Иқтисод-молия”, 2007.
 - 10.Ҳақимова М., Хўжаев Х, Маҳмудов «Халқаро иқтисодий муносабатлар» 1996 й.
 - 11.2012-йил “Банк ахборотномаси” рўзномаси.
 - 12.“Бозор, пул ва кредит” журнали 2011-2013у.
 - 13.World Development Report 2000, Washington, Published for the World Bank.
 - 14.Anna J. Schwartz “Do Currency Boards Have a Future?”, London, The

Wincott Foundation 1992.

15. Л.Н.Красавина. «Международные валютно-кредитные и финансовые отношения» Москва «ФиС»1994г.
16. Деньги, кредит, банки: Учеб.-2-е изд, перераб. И доп/под ред. В.В.Иванова, Б.И.Соколова.-М: ТК Велби, изд-во Проспект, 2008.- С.410.
17. Е.И. Кузнецова Деньги, кредит и банки, Москва-2009. 290-345-стр.
18. А.С. Нешитой Финансы, денежное обращение и кредит, учебник Москва-2010. 462-488-стр.
19. «Международные экономические отношения» Е.Ф.Авдукушин М. 1997 г.

Интернет сайтлари:

1. Stat.uz
2. Cbu.uz
3. Gov.uz
4. Mf.uz
5. Lex.uz
6. Imf.org